Стоит ли говорить о том, что находясь в хорошем эмоциональном климате, чувствуя доброжелательность и поддержку окружающих, мигранты чувствуют прилив энергии, работают лучше, чем в обстановке взаимного непонимания?

Психоэмоциональные технологии

Оздоровительные паузы помогают человеку повысить двигательную активность, создать благоприятную эмоциональную атмосферу. Для этого рекомендуется выполнять ряд несложных упражнений.

Психогимнастика. Выполняйте мимические этюды отдельных эмоциональных состояний – радость, гнев, удивление, испуг, улыбку, грусть. Такого рода упражнения хороши и на работе, и в свободное время, дома.

Релаксация. Ее цель - научить человека произвольно расслаблять мышцы, успокаиваться, настраиваться на предстоящую работу, а также снимать эмоциональное напряжение после стрессовых ситуаций. Хорошие результаты дает музыка, особенно звуки живой природы. Еще можно расслабиться, фантазируя о чем-то приятном.

Наблюдение. Выбор объекта - за самим человеком. Можно просто понаблюдать за чем-то – погодой, людьми, природой, настроением людей. Для создания хорошего, бодрого настроения неплохо при этом включить музыку. Эти упражнения желательно проводить утром, чтобы настроиться на доброжелательный лад.

Мигрантам без психологически комфортной для них атмосферы жить на чужбине трудно. Поэтому, прежде всего, им необходимо формировать у себя установку на радостное восприятие жизни, учиться находить разнообразные источники положительных эмоций (преимущественно, нематериальные) и, конечно, стараться быть счастливыми.

Таким образом, формирование благоприятного психологического климата в чужом месте, в незнакомом коллективе должно быть обеспечено посредством организации последовательного управленческого и психологического воздействия, направленного на формирование у мигрантов таких личностных свойств и качеств, которые способствовали бы поддержанию конструктивных взаимоотношений в обществе.

Юлдуз Ядгарова

Обращение к благотворителям

Дорогие друзья!

Трудовые мигранты из Средней Азии – часть нашей повседневной жизни. Но многие из нас относятся к их проблемам так, как будто их жизнь и наша существуют в параллельных мирах. Несмотря на это все мы – часть одного общества, проживающего на территории России. В магазинах, транспорте, на улице, в многоквартирном доме – мы постоянно сосуществуем с гражданами других государств, представителями иных культур. Они пользуются той же инфраструктурой, теми же услугами медицинского и социального обеспечения. Они также участвуют в формировании российского ВВП, как и мы.

Однако многие мигранты живут в плохих условиях, попадают в руки мошенников и недобросовестных посредников. К сожалению, некоммерческих организаций, предлагающих помощь и оказывающих услуги этой категории граждан, в нашем регионе совсем мало.

С августа 2012 года в Санкт-Петербурге и Ленинградской области функционирует некоммерческая организация «Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии».

Основной задачей Фонда является оказание безвозмездной помощи – в частности правовой и материальной – трудовым мигрантам и другим социально незащищенным лицам из стран Средней Азии. Немаловажной задачей Фонда является также представительство и защита социально-трудовых прав мигрантов в органах государственной власти и местного самоуправления, перед работодателями, в судебных и правоохранительных органах, госучреждениях РФ. Кроме того, наш Фонд проводит благотворительные мероприятия и участвует в международных благотворительных акциях.

В Фонд часто обращаются родственники умерших на территории РФ мигрантов. Для отправки «Груза-200» нужно около 50 000 рублей. Очень часто ни у родственников, ни у близких знакомых нет возможности собрать такую сумму. А иногда нет и самих родственников. Не раз в таких случаях наши волонтеры по пятницам ходили по мечетям и стройкам, собирая у неравнодушных людей деньги для отправки умершего на родину.

Мы выражаем благодарность нашим благотворителям: частным лицам и организациям, оказывающим Фонду финансовую помощь и информационную поддержку. Каждый благотворительный взнос – это большое дело, будь это 100 или 1 млн.рублей. Нам нужна любая поддержка, и мы знаем, как употребить любую сумму на пользу тех, кто в этом нуждается.

Мы будем рады видеть Вас в «Фонде помощи трудовым мигрантам из Средней Азии» и рассказать о работе, которую мы ведем в поддержку незащищенных слоев мигрантов.

Некоммерческая организация «Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии» работает по адресу: ул. Бабушкина, д.52 (ст.м. «Ломоносовская»). Тел.: 8 (812) 309-73-06.

Дорогие друзья! С этого года мы открываем новую рубрику, призванную улучшить качество жизни мигрантов:

«ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ПОМОЩЬ»

В ней на волнующие вас вопросы будет отвечать квалифицированный психолог. Как не впасть в уныние вдали от родины? Как сохранить семью на расстоянии? Как преодолеть психологический барьер в общении с людьми, говорящими на другом языке? Как помочь ребенку адаптироваться в новом обществе? Эти и многие другие острые темы мы готовы обсудить на страницах газеты.

Ваши вопросы вы можете анонимно отправлять на электронный адрес «Турана» - turangazeta@yandex.ru. Нам небезразличны ваши проблемы и мы будем рады помочь с их решением!

ФИНАНСОВАЯ СКОРАЯ ПОМОЩЬ

Займы гражданам Узбекистана от 1000 до 15000 рублей.
Ст. м. пл. Александра Невского, 1, БЦ «Москва», офис 410. Тел. 7152121.
Ст. м. «Пионерская», Богатырский пр., 7, к. 1, универсам «Перекресток». Тел. 71521231.

Ўзбекистон фуқаролари учун займлар: 1000 дан 15000 рублгача.
Манзил: Александр Невский майдони метро бекати 1-уй, «Москва» БЦ, 410-офис. Тел.: 7152121.
Пионерская метро бекати, Богатирский проспекти 7-уй, 1-бино, «Перекресток» универмаги. Тел.: 7151231.

АЭРОТУР АВИАКАССЫ 8 (812) 336-16-88 8 (800) 333-90-50
АВИАБИЛЕТЫ ПО НИЗКИМ ЦЕНАМ — ВСЕ СТРАНЫ СНГ. БЕЗ СБОРОВ И КОМИССИЙ
Новая касса: ст. м. «Девяткино», Вокзальная ул., 1, ТЦ «Мельница»
- Московский пр., 216 А
- Мега-Парнас, на галерее «Ашан»
- Мега-Дыбенко, на галерее «Ашан»
- ТК «Лидер», Гаккелевская ул., 34
- ТК «Звёздный», 2 эт., ст. м. «Звёздная»
- Б. Конюшенная ул., 27, 2 эт. оф. 227
- Ленинский пр., 125 (р/н «Навруз»)
- г. Пушкин, ул. Московская, 25
- г. Кронштадт, пр. Ленина, 16
- г. Колпино, ул. В. Слуцкой, 46/2
- Аэропорт «Пулково» напротив стоек регистрации: 111-120

UZBEKISTAN airways
ООО «АэроТур» — генеральный агент Uzbekistan Airways в СПб и Лен. области
WWW.AEROLED.RU

Как легализоваться в России?

Порядок легализации трудовых мигрантов, казалось бы, хорошо известен. Однако они довольно часто становятся либо жертвами мошенников, оказывающих посреднические услуги по оформлению патентов, либо, не до конца разобравшись в тонкостях российского законодательства, совершают досадные ошибки, рискуя потерей денег, времени и возможностью трудоустроиться на законных основаниях.

В связи с изменениями в миграционном законодательстве Российской Федерации мы публикуем информацию, которая поможет правильно легализоваться мигранту из безвизовой страны в 2015 году на территории РФ.

При пересечении границы каждый иностранный гражданин получает миграционную карту. В графе «Цель визита» нужно поставить отметку «Работа». Если вы укажете другую цель, например, «Частную», то не сможете подать заявление на получение патента.

По приезде в Россию вы обязаны в течение 7 рабочих дней (выходные не считаются), сделать трехмесячную регистрацию по месту жительства. Зарегистрироваться можно в почтовом отделении или в отделении УФМС в любом районе города. Напомним, что по новым правилам вы обязаны проживать там, где зарегистрированы. В противном случае и гражданин России, сдающий вам жилье, и вы понесете наказание. Штраф за фальшивую регистрацию теперь в соответствии с законом доходит до 500 000 рублей.

В течение 30-ти дней после приезда в Россию вы должны подать документы на получение патента единого образца. Для этого необходимо сдать экзамен на знание русского языка, истории и основ государственности России, а также пройти медицинское обследование.

Если вы справились с испытанием и успешно прошли медэкспертизу (то есть у вас не было выявлено тяжелых и опасных заболеваний), то вместе с пакетом необходимых документов можете смело подавать заявление на выдачу патента в УФМС.

Кроме медицинской справки и справки о сдаче экзамена вам понадобятся:

- миграционная карта с датой въезда не более чем 30 дней до дня подачи документов;

- справка о трехмесячной регистрации;

- страховка (обычно оформляется в аэропорту в день прибытия в РФ);

- чеки об оплате госпошлины;

- заявление о выдаче патента по установленной форме.

Теперь УФМС России обязано в срок до 10 рабочих дней выдать вам патент либо мотивированный отказ в его выдаче. В последнем случае у вас остается 50 дней для того, чтобы обжаловать решение Миграционной службы и успеть легализоваться.

В патенте будет указан регион, где вы собираетесь осуществлять трудовую деятельность. За его пределами патент недействителен.

Патент выдается на три месяца, однако срок действия патента автоматически продлевается, если иностранный рабочий внес авансовый платеж за следующий месяц. Вам необходимо будет каждый месяц в определенный день (дата выдачи патента) вносить платеж в размере 3000 рублей (цена по Санкт-Петербургу и Ленобласти). Оплачивать продление патента можно в отделениях Сбербанка.

Если иностранный рабочий внес авансовый платеж позже указанного срока, то патент аннулируется.

Можно ли выезжать из РФ, пока действует патент? Можно, но лучше внести авансовый платеж на месяц вперед.

Иностранных граждан подготовят к тестированию на знание русского языка

Уважаемые читатели!

Сообщаем вам, что с 12 января 2015 года Комитет по межнациональным отношениям и реализации миграционной политики в Санкт-Петербурге проводит работу по формированию городских курсов по подготовке иностранных граждан к комплексному тестированию на знание русского языка, истории России и основ законодательства Российской Федерации.

Курсы организованы при содействии: ООО Центр «Златоуст», ООО «Инвент транслейт», РОО «Центр культуры и труда», Координационного совета таджикских диаспор Санкт-Петербурга и Ленинградской области.

С 12 января 2015 года иностранные граждане приглашаются в Санкт-Петербургское государственное казенное учреждение «Санкт-Петербургский Дом национальностей», расположенный по адресу: Санкт-Петербург, ул. Моховая, д. 15 (ст. метро «Чернышевская»), где будет проходить собеседование и запись на курсы.

СОБЕСЕДОВАНИЕ И ЗАПИСЬ НА КУРСЫ ПРОВОДЯТСЯ:

- **по понедельникам с 18.00 до 20.00;**
- **по вторникам с 18.00 до 20.00;**
- **по субботам с 12.00 до 14.00.**

Вы можете записаться на собеседование по телефонам: 8(953)143-30-09; 8 (812) 703-11-76.

Начало занятий по мере комплектования групп.

Дорогие друзья!
Мы приглашаем вас стать
участниками «Фонда помощи мигрантам из Средней Азии».

Став участниками Фонда, вы сможете получать бесплатную квалифицированную правовую и юридическую консультацию в течении вашей трудовой деятельности, в случае возникновения спорных ситуаций на работе, ущемления ваших прав и других непредвиденных обстоятельств. Фонд всегда будет защищать права своих законопослушных участников перед недобросовестными лицами и организациями.

Все подробности о процедуре зачисления в Фонд вы можете узнать у наших сотрудников по телефону:

(812) 309-73-06

или в офисе по адресу:
ул. Бабушкина, 52, лит. А, пом. 27Н
с 10.00 до 18.00 по будним дням.

Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии

Возникли трудности при адаптации в Санкт-Петербурге?

В Фонде работают профессиональные юристы из Средней Азии. Вас поймут, даже если вы не говорите на русском языке!

Приходите! И мы окажем вам содействие в:

- оформлении всех необходимых документов для официального проживания в России
- легальном трудоустройстве
- получении медицинской помощи
- решении юридических проблем
- поиске жилья и достойной работы

Также к вашим услугам:

- занятия по русскому языку
- помощь в получении кредита
- благотворительные акции
- культурные мероприятия
- образовательные семинары

ФОНД ПОМОЩИ трудовым мигрантам из Средней Азии

Мы действуем согласно закону в ваших интересах!

Ждем вас по адресу: м. «Ломоносовская», ул. Бабушкина, д. 52, лит. А, офис 27-Н (вход с Прямого проспекта, дверь рядом с аркой)

Телефон: **8 (812) 309 73 06** Время работы: 10.00 - 18.00 (ПН-ПТ)

В Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии

ТРЕБУЮТСЯ:

СПЕЦИАЛИСТ ПО ЮРИДИЧЕСКИМ ВОПРОСАМ,
МЕНЕДЖЕР ПО РЕКЛАМЕ в газету «Туран» (желательно женщина),
РАСПРОСТРАНИТЕЛЬ газеты «Туран»,
ПЕРЕВОДЧИК с русского на узбекский и с узбекского на русский.

ТРЕБОВАНИЯ К КАНДИДАТАМ:

- **знание русского языка и законов РФ,**
- **коммуникабельность,**
- **умение работать в команде,**
- **знание компьютера.**

Обязательно наличие разрешительных документов, соответствующих квалификации. Приветствуется опыт работы, связанный с миграцией, в фонде или в некоммерческих организациях.
Адрес: м. Ломоносовская, ул. Бабушкина, 52, оф. 27н.

Телефон: 309-73-06, 8 (952) 224-30-19

ФГУП «Паспортно-визовый сервис»

Как найти работу в Санкт-Петербурге

Иностранным гражданам, желающим найти надёжную работу у добросовестного работодателя в Санкт-Петербурге или Ленинградской области необходимо обратиться во ФГУП «Паспортно-визовый сервис», расположенный по адресу: ул. Красного Текстильщика, д. 15.

Сотрудники государственного предприяия Федеральной миграционной службы России помогут зарегистрироваться на «Бирже труда», найти недорогое жильё, встать на миграционный учет, получить разрешение на работу.

В случае возникновения вопросов или проблем иностранный гражданин может обратиться в общественную приёмную ФГУП «Паспортно-визовый сервис», телефон: **318-01-18**

Как пользоваться услугой «Биржа труда»:

Иностранный гражданин регистрируется в информационной системе «Биржа труда» и заключает договор на оказание услуг на 1 год. При заключении договора иностранному гражданину выдаётся SIM-карта с льготным тарифом по Санкт-Петербургу и Ленинградской области.



обращайтесь по адресу
Санкт-Петербург,
ул. Красного Текстильщика д.15

318-01-18 www.7771000.ru

16+

Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий «Турон» газетаси

Турон

№ 5 (183)

12 Февраль 2015

Бобур бобонг мусофирликда қурди салтанат,
Навоий адибинг мусофирликда қилди ижод,
Жалолиддин мусофирликда қилди ватаним деб жиҳод,
Сен Турон ўғлони ўзлигингни сақлагил фақат.

Африкалик характерга эга рус генийси: Россия А. С. Пушкин хотираси кунини нишонламоқда

10 февраль – энг буюк рус шоир А. С. Пушкинни хотирлаш Бутунроссия кунидир. У 1837 йил 37 ёшида дуэлда ўлдирилган эди. Анъанага кўра, бу кунга Петербургда бир неча тадбирлар мўлжалланган.

Фото: gov.spb.ru

Мойка соҳили 12-уй да жойлашган А. С. Пушкин Бутунроссия музейида “Пушкин. Лермонтов. Замондошлар” кўргазмасининг очилиши бўлиб ўтди. Литейний проспекти 53-уйдаги Анна Ахматова музейида “Машҳурлик нима эканлигини ким билади...” Ахматова ва Пушкин” деб номланган махсус экскурсия, Миллий адабиётлар кутубхонасида эса (Гороховая кўчаси 41-уй) “Қишки элегия” деб номланган адабий-мусиқий кечасини ташкиллаштиришди, унда шоирнинг шеърлари ва романслари профессионал қўшиқчилар ва мусиқачилар томонидан ижро этилди.

XVIII асрнинг энг охирида, 1799 йилда Россияда, Москвада дворянин Сергей Львович Пушкин ва унинг турмуш ўртоғи Надежда Осиповналарнинг оиласида ўғил дунёга келди, унга эса буюк рус шоири бўлиши тақдири битилган эди. Жуда ҳам ёшлигиданоқ болакайнинг иқтидорлиги экани кўриниб турарди. Унинг адабий қобилиятини кўрган адабиётшунос амакиси уни Царскосельский лицейига киришига ёрдамлашди.

Илк маротаба лицей ўқитувчилари ёш А. С. Пушкиннинг қобилияти, зеҳни, зукколиги ҳақида, лекин жиззакилиги, қизиққонлиги ҳақида гапиришган. Пушкин бу сифатлари билан бутун умри мобайнида ажралиб турган ва унинг темпераменти насл-насабидан ҳам маълум эди. Пушкиннинг аждодлари XIII асрда Александр Невский вақтида хизмат қилган ратшиларнинг эски насаби ва Петр I нинг сафдоши ва генерали, африкалик князь Ганнибал авлодига мансубдир.

Царскосельский лицейида давлат амалдорларининг дворян фамилиялари болалари ўқир эди. Лекин, кичкина Александрнинг қобилияти шу қадар буюк эдики, унинг кейинги тақдири ҳақида шубҳа туғлмасди. У 6-7 ёшидан шеър ёзар эди ва Лицейдаги ўқишнинг биринчи йиллариданоқ шоир, ноодатий иқтидорга эга шоирнинг ўсаётгани маълум эди. Лицейни тамомлаб ва Ташқи ишлар вазирлиги девонхонасига амалдор бўлиб ишга кирган Александр деярли адабиёт билан машғул бўлар эди.

Бағоятда иқтидорли шеърлар, қиссалар, ҳикоялар, повестларни Москва ва Петербург жамияти қарши олар, ўқир ва иккала пойтахтда ҳам тарқатишар эди. Амалдор карьераси ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Давлат хизматидан кетган А. С. Пушкин адабиёт билан шуғулланди.

Дўконларда ёш шоирнинг биринчи китоблари талаш бўлиб кетди, жамоат унинг шеърларини кутар эди. Унинг дўстлари бўлган Павел Вяземский ва Петр Плетнев унинг шеърларини ва у ёзган барча нарсани чоп этишга унга ёрдам беришган. У эса кўп нарсани яратган: драматик асарлар ҳам (“Борис Годунов”, “Кичик офатлар”), достонлар (“Евгений Онегин”, “Кавказ асири”, “Полата”), тарихий повестлар ҳам “Буюк Пётр тарихи”, “Пугачёв қўзғолони тарихи”. А. С. Пушкин нафақат ёзувчи бўлган, балки Россиядаги биринчи адабий газетани ҳам чоп этган. У Россия ва Европада биринчи бўлиб муаллифлик ҳуқуқи тушунчасини киритган (асарни чоп этиш фақатгина муаллиф рухсати билангина амалга ошириладиган бўлди).

Адабий тилнинг ўзи ҳам ўзгарди – А. С. Пушкиннинг пайдо бўлиши билан рус адабиётшунослари ҳам аввалгилардан бошқача ёза бошлаган. Янги иқтидорлар плеядаси бўлган Е.А. Баратынский, М.Ю. Лермонтов, Л.Н. Толстой ва И.А. Гончаровлар пайдо бўлди, Пушкиннинг адабиёт жараёнига таъсири туфайли ўнтўққизинчи аср рус адабиётининг Олтин асри деб номланган.

Буюк иқтидорлар ҳар томонда ва ҳар доим ҳасадни, кўп холларда эса душманликни келтириб чиқарган. 1837 йилда рус гвардиясида хизмат қилган француз Жорж Дантес билан бўлиб ўтган дуэлда Пушкин ўлдирилади. Подшо томонидан хизматдан ҳайдалган Дантес Россиядан кетган, рус жамияти эса ақл бовар қилмайдиган ҳодисадан айрилди.

Бир неча кунлик оғир азоблардан кейин А. С. Пушкин ўзидан кейин катта мерос, кўпгина сир қолдириб, рус адабиёти ва тилини бир умрга ўзгартириб, россияликлар учун ҳозирги кунга қадар такрорланмас истеъдодлилик рамзи бўлиб ҳаётдан кўз юмди.

Б. Цалкин

Заҳириддин Муҳаммад Бобур – Ўзбек давлатчилиги тарихида буюк исмдир. Бобурийлар сулоласининг асосчиси, ватанпарвар, ўз даврининг энциклопедик ақли. У Ҳиндистонда 300 йилдан ортиқ ҳукм сурган давлатга асос солган. Нозик ақл ва фавқулодда шоирлик қобилияти Бобурнинг тарихда иқтидорли адиб сифатида қолдирди.

14 февраль Бобур таваллудининг 532 йиллиги

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур,
Яхши киши кўрмагай ёмонлиг ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур!

Темурнинг авлоди бўлган Бобур ўзининг буюк аждод амалга оширган марказлашган мустақил давлат тузиш бўйича фаолиятини давом эттирган.

Отаси, Фарғона амири Умаршайх Мирзо вафотидан сўнг 12 ёшли Бобур Андижон тахтини эгаллади. У Самарқандни Шайбонихон ҳукмидан озод этиш учун икки маротаба юриш қилган. Омадсиз ҳаракатлардан сўнг у отасига бўйсунган Қобулга йўл олди ва янги қўшин тўплаб, 1519 йилда Ҳиндистонга юрди. 1526 йилда у йирик давлат – Бобурийлар сулоласини тузди.

1520 йилларда Бобур Шайбонийлар билан тинчлик муносабатларини ўрнатган. 1529 йилда Шарқий Афғонистон, Панжоб ва Ганг воҳасидан Бенгалиягача бўлган ҳудудлар унга қарар эди.

Шуниси ҳам қизиқки, 1530 йили, ўлимидан аввал Бобур Москванинг буюк князи Василий Ивановичга элчи жўнатган. Аммо элчи Москвага фақатгина 1533 йилда етиб борган. Бобур 47 йил умр кўрган ва ўз давлатининг пойтахти бўлган Аграга дафн этилган, кейинчалик эса унинг васиятига кўра жасади Қобулга кўчирилган. Бобурнинг тўрт ўғли ва уч нафар қизи бўлиб, Бобурийлар сулоласи Ҳиндистонни XIX асрнинг ўрталарига қадар бошқарган.

Бобур Уйғониш даврининг ўзига хос дилбар, ўқимишли, ҳаётни севувчи давлат раҳбари эди. Унда дадиллик, эпчиллик, ўз ишлари учун жавоб бериш каби одам сифатлари жамул-жам эди. Уни нафақат подшолик тахти, балки марказлаштирилган давлат тузиш ва мамлакат фаровонлигини таъминлаш ҳам қизиқтирар эди.

Бегона ерларни талон-тарож қилиш ўрнига у уларнинг барчасини кучли давлат остида бирлаштирди, ўзаро ва диний урушларга чек қўйди. Бу эса иқтисоднинг ривожланишига, маданиятнинг, санъат ва архитектурада янги ҳаётнинг бошланишига туртки берди.

Ёш ҳукмдорнинг жамият-фалсафий қарашлари ва илмий қизиқишлари Улуғбек, Навои, Лутфий, Жомий каби ўрта аср Шарқининг классикларни асарлари асосида шаклланди. Шуниси аёнки, Бобур ёшлигида мактаб таълимини эски ўзбек тилида олган. У ўз асарларини ўзбек ва форс-тожик тилларида яратган. Мусиқа ва ҳарб иши бўйича трактатларидан ташқари Бобурнинг барча мероси бизгача етиб келган. “Мемуарлар” деб ҳам номланадиган “Бобурнома” асари классик ўзбек насрида Темурийлар даври ва ўзбек адабий тилининг йирик ёдгорлиги сифатида муҳим аҳамиятга эга. У оддий, барча тушунарли шаклда ва майинлик билан ёзилган. Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва Афғонистон халқларининг XV-XVI асрлар тарихи бўйича бу бебаҳо манба бир қатор Европа тилларига таржима қилинган.

Бобур лирикасида Ватан мавзуси алоҳида ўринга эга: у унинг шеърларида чуқур маъно ва дард билан акс эттирилган.

Мария Максимичева

Расмий баёнот

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини, “электрон ҳукумат” тизими ҳамда ахборот тизимларини жадал татбиқ этиш, телекоммуникация инфратузилмасини ва маълумотларни узатиш тармоқларини модернизация қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкил қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг барча мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

- ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида, “электрон ҳукумат”ни жорий этишда ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ахборот технологияларини ривожлантиришнинг жаҳон даражасидан келиб чиққан ҳолда миллий ахборот-коммуникация тизимини татбиқ этиш ва ривожлантириш юзасидан комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш, шу жумладан,

Интернет тармоғига кенг полосали уланишни кенгайтириш, телефон алоқаси, телевидение ва радиоэшиттиришнинг рақамли тизимларига тўлиқ ўтишни таъминлаш, алоқа ва телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни, шунингдек, радиочастотали спектрдан фойдаланишни давлат йўли билан бошқариш, лицензиялаш ва назорат қилиш борасидаги функцияларни амалга ошириш;

- “электрон ҳукумат”ни татбиқ этиш, вазирликлар, идоралар, компаниялар ва уюшмаларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборотлаштириш ва интерактив давлат хизматларини такомиллаштириш борасидаги фаолиятини идоралараро мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш, баҳолаш ва назорат қилиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, давлат ахборот ресурслари ҳамда маълумот базаларини шакллантириш, сақлаш ва фойдаланишнинг ягона тизимини вужудга келтириш, идоралараро ахборот тизимларини яратиш ва бошқариш;

- Интернет тармоғининг миллий сегменти янада шакллантирилишини таъминлаш,мамлакатимизнинг турли йўналишлардаги замонавий веб-ресурсларини, шу жумладан, аҳолининг, хусусан, ёш авлоднинг ахборотга бўлган ва интеллектуал талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида тармоқ ресурсларини ривожлантириш учун зарур техник ва қулай шарт-шароитларни яратиш;

- рақобатдош дастурий маҳсулотларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ва ички бозорини ҳамда уларга кўрсатиладиган хизматларни ривожлантиришга кўмаклашиш ва унинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида ва истеъмолчиларда замонавий дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини жорий этиш;

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва коммуникация тармоқлари, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларини татбиқ этиш чора-тадбирларини амалга ошириш, ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича техник инфратузилмани янада ривожлантириш;

- замонавий коммуникация воситалари соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларида шундай ишларни ташкил этиш;

- алоқа, ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, устувор лойиҳаларни амалга ошириш, радиочастоталик спектрдан самарали фойдаланиш учун ҳамда вазирлик фаолияти доирасига кирувчи бошқа йўналишлар бўйича хорижий инвестицияларни жалб этиш.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

- Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

- вазирликлар, идоралар, компаниялар ва уюшмаларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича комплекс дастурларнинг ўз вақтида ва тўла-тўкис амалга оширилиши, “электрон ҳукумат” хизматлари ва ахборот тизимлари жорий этилиши учун шахсан жавобгар бўладилар;

- иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интерактив давлат хизматлари татбиқ этилиши даражаси, самарадорлиги ва сифатига баҳо бериш натижалари вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар, йирик корхоналар ва бирлашмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эгаллаб турган лавозимларига муносиб эканликларини кўриб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

4. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин, 4, 5 ва 8-бандлари бундан мустасно.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов.
Тошкент шаҳри,
2015 йил 4 февраль

Прокурорлар электр ҳисоблагичлар бўйича 7 мингта “резина” квартираларни топди

Москва прокуратураси уй-жой ижарасининг қора бозори ва ноқонуний муҳожирлар рўйхатга қўйиладиган резина квартираларга қарши курашнинг 2014 йил натижасини эълон қилди.

Ўтган йили прокурорлар янги технологияни қўллаб кўрди – ҳеч ким ҳисобда турмайдиган ва расман ҳеч ким яшамайдиган, лекин кўп электрэнергияси ёки коммунал хизматлардан кўп фойдаланадиган квартиралар мақсадли равишда текширилди. Бу усул самарали бўлди ва 2014 йилда ноқонуний одамлар яшайдиган 7 минг квартирани аниқлашга ёрдам берди. Прокурорлар пойтахтда 2 миндан ортиқ чет элликларнинг қалбаки равишда рўйхатга қўйилган 110 та “резина” квартираларни ҳам топган. Москва прокуратурасининг аризасига кўра улар суд орқали ҳисобдан чиқарилди.

Москва прокуратурасида “Известия”га гапириб беришларича, ижара қора бозори ва “резина” квартираларга қарши кураш ҳамда қонунбузарларни жавобгарликка жалб этиш ишлари асосий йўналишлардан бири бўлиб қолади. Прокурорлар ва пойтахт ҳукумати 2014 йилда янги технологиядан фойдаланишди – бундай квартираларни электр энергияси ва ЖКХ хизматларидан ошиқча миқдорда фойдаланганлар орасидан излади.

Биринчи навбатда ҳеч ким рўйхатда турмайдиган ва расман ҳеч ким яшамайдиган ёки бир киши рўйхатга қўйилган, лекин электр энергияси учун катта ҳисоб чиқадиган квартиралар гумон остига олинди. Бошқа холатларда эса квартирада миграция ҳисоби бўйича бир неча киши туради, ҳисоблагич бўйича электр энергиясидан улар умуман фойдаланишмайди. Бу у ерда яшовчилар қалбаки рўйхатга олинганлигидан далолат беради. Бундай квартираларга участка нозирлари жўнатилади, улар бу уйларда кимлар ва қандай асосда яшаётганликларини текширади.

2014 йил март ойида Москванинг ҳудудий хавфсизлик ва коррупцияга қарши курашиш департаменти коммунал хизматларини ошириб тўлаш бўйича “резина” квартираларни изламоқчи эканлиги ҳақида хабар берди. ЖКХ департаменти бундай квартиралар ҳақида маълумотларни тўплади ва уларни ҳудудий хавфсизлик департаментига берди, хавфсизлик департаменти эса ўз навбатида шубҳали манзиллар бўйича текширишларни амалга оширди.

Прокуратуранинг текшируви билан 2014 йилда Москванинг ўзидагина умумий ҳисобда 2 мингдан ортиқ чет элликлар рўйхатга қўйилган 110 та “резина” квартира аниқланган. Уларнинг барчаси Москвада легализация қилиниш учун қалбаки рўйхатга қўйилган. Шу асосда пойтахт прокурорлари судга мурожаат қилди, суд эса бу рўйхатга олинганларни бекор қилди.

Москвадаги “резина” квартираларнинг унчалик кўп эмаслигини прокурорлар уй эгаларининг одатда ноқонуний муҳожирлар устидан пул ишлаб олишга ҳаракат қилишлари сабабдир дейди.

— Бизнесменлар ва миграция хизматларининг қора бозори ташкилотчилари эндиликда Москвада бошқа схемани ишлатишмоқда: улар ўн минглаб чет элликларни бир кунлик виртуал офисларга рўйхатга қўяди, - деб гапириб берди “Известия”га пойтахт прокурорларидан бири. – Прокурорлик текшируви вақтида муҳожирлар рўйхатга қўйилган манзил бўйича ишберувчи жисмонан мавжуд бўлмайди. Бундай фирмаларнинг эгаларини ва муҳожирларнинг ўзларини топишнинг деярли имкони йўқдир.

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фондига зудлик билан юридик масалалар бўйича мутахассис ва реклама бўйича менежер (аёл киши), ҳамда «Турон» газетасига чоп этувчи муҳаррир (ўзбек тилига), газета учун рус тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан рус тилига таржимон ва газета тарқатувчи ишга таклиф этилади.

НОМЗОДЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ:

*** рус тили ва РФ қонунларини яхши билиш; * киришимли; * жамоада ишлай билиш; * самимий, одобли; * компьютерни яхши билиш.**

Керакли малакага эгалиги ҳақидаги тегишли рухсатномаларга эга бўлиши шарт.

Миграция масалалари, Фонд ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан боғлиқ иш тажрибасига эга бўлса, бу унинг устунлиги ҳисобланади.

Ломоносовская метро бекати. Бабушкина кўчаси 52 уй, офис 27н.
Телефон:
309-73-06, 8 (952) 224-30-19.

Интервью

Муҳожирлар – футбол юлдузлари

2014 йилнинг ёзида Петербургда меҳнат қиладиган ва ўзларининг бўш вақтларида спорт билан шуғулланишни яхши кўрадиган Ўрта Осиёлик муҳожирлар футбол майдонида учрашишди. Шундай қилиб "Турон" футбол жамоаси ташкил топди. Аввалига ўртоқлик учрашуви бўлди, кейин эса мусобақаларда ғалаба қозонишлар. Бир неча ой ичида ўртаосиёлик меҳмонлар Шимолий пойтахтнинг футбол дунёсида обрўга эга бўлди ва бугунги кунда "Турон" – Петербургнинг энг кучли миллий жамоасидир. Ажойиб жамоанинг шаклланиш тарихи, микроиқлими ва бундан кейинги режалари ҳақида бугун биз "Турон" жамоасининг ташкил этувчиси – бизнесмен Игорь Белоусов билан суҳбатлашамиз.

– Игорь Николаевич, айтингчи, Сизда ўртаосиёлик спортчилардан ташкил топган футбол жамоасини ташкил этиш ғояси қандай пайдо бўлган?

– Бунга мени "Метеор" футбол клуби илхомлантирди. Сиз уч йил аввал футбол дунёсига ёриб кирган ва ўшандан бери бир қатор ғалабага эришган бу ҳаракатчан йигитларни яхши биласиз деб ўйлайман. "Метеор" жамоаси – менинг ижтимоий лойиҳамдир. Яна битта ундан ҳам кам аҳамиятга эга бўлмаган "Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди" мавжуд. У 2012 йилнинг ёзида ўртаосиёлик меҳмонларга Санкт-Петербургда кўникишлари учун ёрдам бериш мақсадида тузилган. Биз муҳожирларга Россия қонунлари ва анъаналари ҳақида гапириб берамиз, қийин ҳолатларда уларга ёрдам берамиз. Бу бизнинг миллатлараро муносабатларга қўшган ижтимоий ҳиссамиздир. Шундай қилиб, июль ойининг иссиқ кунларидан бирида "Метеор" футбол жамоасининг бош директори Владимир Иванченко ва "Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди" Бошқарув Раиси Махмут Маматмўминовлар менинг олдимга мажлисга келишди. Уларнинг ҳар бири ўз лойиҳаларининг ишларини муҳокама қилиш учун келишган, мен эса қандай қилиб уларни бирлаштириш ҳақида ўйлаб қолдим. Муҳожирлар ва футбол. Мавзу ҳар хил, лекин чуқурроқ қаралса, бирлик, ўзаро ҳурмат, соғлом турмуш тарзи каби умумий мақсадларни топиш мумкин. Спорт шуни ўргатади ва биз уни муҳожирлар муҳитида тарғиб қилмоқдамиз. Шундай қилиб биз ҳар бир лойиҳанинг аҳамиятини намойиш этиш мақсадида ҳамкорликда тадбир ўтказишга қарор қилдик: "Метеор" жамоаси муҳожирлар билан футбол ўйнайди.

– Янги жамоа учун ўйинчиларни қаердан топдингиз?

– Уларнинг ўзлари бизни топишди. Фонд ходимлари "Турон" газетасида футбол ишқибозларини ўртоқлик учрашувида иштирок этиш учун таклиф қилиш тўғрисида эълон беришди. Кўпчилик қизиқиш билдирди ва Фонд ходимлари синов машқ ўйинини ўтказишди ва энг иқтидорли болаларни танлаб олишди. Шуниси аҳамиятга лойиқки, спортчиларнинг кўпчилиги бир-бирлари билан ўйиндан икки ҳафта олдингина танишишган. Улар профессионал ўйинчилар эмас, унвон ва титулларга эга эмас. Аммо, футбол ўйинида иштирок этиш ғояси уларни шунчалик ўзига жалб этдики, бир неча машғулот давомида жипслашишди. Улар тезгина бир жамоага айланишди.

– "Метеор" жамоаси билан ўйин қандай ўтди? Муҳожирлар футболчилар ролида ўзларини қандай ҳис қилишди?

– Қисқасини айтганда: ҳаммаси зўр ўтди! Янги футболчилар Осиё маданиятини муносиб равишда намойиш этишди, ёркин ва чин дилдан ўйин кўрсатишди. Уларга нисбатан шунча эътибор қаратилдики, ҳатто йирик телеканаллардан журналистлар ҳам ташриф буюришди. Кўплаб томошабинлар ҳам келишган. Барчага Ўрта Осиёлик абстракт ишчилар эмас, балки уюшган жамоадан иборат ёш спортчиларнинг ўйинини томоша қилиш қизиқ эди. "Метеор" футболчиларининг ўзлари ҳам муҳожирларда яхши футболчилар сифатини очишди. Ўйин "Метеор" жамоасининг ғалабаси билан тугади, бунга ҳайрон қолиш керак эмас, ахир улар тажрибалироқдирлар. Ўша қуёшли кунда ҳисоб муҳим эмас эди. Ахир биз футбол майдонида миллатлараро дўстликни, спорт қандай қилиб одамларни бирлаштиришини кўрсатмоқчи эдик. Ва биз буни амалладик. Мусобақанинг барча меҳмонлари Нева бўйида жойлашган шаҳарда қандай иқтидорли муҳожирлар яшаётганига гувоҳ бўлди. Ўйиндан сўнг барча ўзбек палови ва ичимликлар билан сийланганини ҳисобга олсак, бирдамлик кайфияти таъминланди.

– Ва бу "Турон" жамоаси футбол йўлининг бошланиши эди…

Ҳа, муҳожирларни йирик шаҳар мусобақалари кутмоқда эди. Йигитлар иқтидорли ва спортда катта ғалабаларга етишишлари мумкинлигини тушундик. Фақатгина уларни машқ қилдириш керак ва тажриба билан таъминлаш керак. Энг асосийси – жанговор руҳни қўллаб-қувватлаш керак. Ва тез орада бизнинг муҳожирлар Санкт-Петербургдаги миллий-маданий уюшмалар ва ватандошлар ёшлар терма жамоалари ўртасида мини-футбол бўйича "Олтин куз -2014" турнирида иштирок этишди. Уларга жуда ҳам кам одам ишонганди, жамоа кучсиз ва тажрибасиз, кучли ўйинчиларга қарши майдонга чиққанида ўзларини йўқотиб қўяди деб ҳисоблашганди. Лекин бизнинг жангчиларимиз таймдан-таймга ўтган сари ғалаба қозонди, кейин эса... ғолиб бўлишди. Муҳожирлар – умумшаҳар турнири ғолиби! Бу янгилик барча рақиб ва футбол ишқибозларини ҳайратга солди. Ундан кейин эса "Турон" жамоаси Ломоносов шаҳрида бўлиб ўтган "Ингрия кубоги" турнирида иштирок этди ва у ерда фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Шуниси эътиборлики, ўйин санаси Қурбон ҳайити миллий байрамига тўғри келиб қолди ва йигитлар ўзларига ўзлари совға ҳадя қилишди. Ноябрь ойида эса бизнинг футболчилар "Толерантлик кубоги"да иштирок этди, лекин совғаларгача етиб бормади. Умуман олганда, 2014-йил мавсуми самарали ўтди – бизнинг жамоамиз ўз миллатини муносиб равишда намойиш этди ва Шимолий пойтахтнинг футбол оламида кўпгина дўстларга эга бўлди. ОАВ, жамоатчилик томонидан уларга нисбатан қизиқишлар мавжуд.

– Ҳозирда "Турон" футболчиларининг ишлари қандай кетмоқда?

– Бизнинг яқин келажакдаги биринчи вазифамиз – жамоани рўйхатдан ўтказиш ва унинг барча юридик томонларини келишиш. Барча ўйинчиларимиз билан тузиладиган шартномани ишлаб чиқмоқдамиз, аввалбошданоқ ўзаро мажбуриятларимизни аниқлаштириб олмоқчимиз. Бу қийин жараён ва шунинг учун ҳам кўп вақтни олади. Лекин ҳаммаси тайёр бўлиши билан ишлаш схемаси ҳам пайдо бўлади. Йигитларга спортзалда доимий машғулотлар билан шуғулланишиларини таъминлаймиз, мураббий ва врач топамиз. Ҳозир футбол олами тинч, мусобақалар фақатгина ёзда қутилмоқда. Шунинг учун спорт азарти ҳозирда йўқ. Машғулотлар тикланиши билан, тез-тез мусобақалар ўтказилиши билан у ҳам пайдо бўлишига ишончим комил.

– Жамоада муҳит, ўйинчилар орасидаги муносабат қандай?

– Бизнинг футболчиларимиз бошқа мамлакатлардан келганлари уларни бирлаштиради. Ахир бегона юртда одамда ватанга бўлган муҳаббат кучаяди. Бу ерда эса ватандошлари билан биргаликда қизиқарли иш билан шуғулланиш мумкин, унинг устида тенгдошлари билан. Шу сабабли дўстона муҳит мавжуд. Йигитларга бирга машғулотлар олиб бориш, ўйинлар ва албаттаки бирга қилинган меҳнат натижаси ҳисобланадиган ғалаба завқ олиб келишига ишонаман. Улар учун бу – меҳнатдан дам олиш чоғларидаги кўнгилочарликдир.

– Муҳожирлар қандай қилиб иш билан футболга вақт топишмоқда?

– Уларда бунинг учун ҳохиш бор, имконият эса қўшимчадир. Ҳа, одамлар Петербургга пул топиш мақсадида келишган, кун давомида меҳнат қилишади – кимдир қурилишда, кимдир ҳайдовчи, кимдир ресторанда ошпаз. Бизнинг жамоамизда талабалар ҳам бор, уларнинг кўпчилиги бўш вақтларида пул топиш мақсадида меҳнат қилади. Футбол улар учун – хоббидир. Шу сабабли турнир бўладиган вақтларда жамоанинг аъзолари ҳар доим келишга вақт топган. Кимдир ишдан ўз ҳисобидан жавоб сўраган, кимгадир эса ўша куни дам олиш куни билан тўғри келган. Машғулотларни кечки вақтларда ташкиллаштирганмиз, шу сабабли унга бемалол улгуриш мумкин. Кўрганингиздек, агар одам ўз ишини севса, ғалаба ва ёркин ҳис-туйғу учун ҳаракат қилса, у ҳар доим ва ҳар жойда улгуради. Умуман айтганда, жамоа муқим ва тажрибага эга бўлганида, энг яхши ўйинчиларни совғалар билан рағбатлантирамиз ёки доимий маош билан ҳам таъминлашимиз мумкин.

– "Турон" жамоасининг келажакда режалари ва мақсадлари қандай?

Тиришқоқлик билан машғулот ўтказиш, абжирлик маҳоратини ошириш, янги футбол турнирларида иштирок этиш ва албатта, уларда ғалаба қозониш. Улар бошқа спортчилар каби ҳар доим ҳам юқори ўринлар учун курашади. Менинг учун энг асосийси эса, уларнинг ғалабалари ҳалол бўлсин, улар ўз ватанлари ва маданиятларини муносиб равишда намойиш этишсин. Петербург аҳолиси муҳожирларнинг бу ижобий мисолини кўришларини ва миллат аҳамиятга эга эмаслигини тушунишларини хохлайман. Биз яна келажакда барча ўйинларда бизга омад тилаб турадиган мухлисларга эга бўлишни умид қиламиз, улар бизни янги ғалабалар сари ундайди. Кўриб турганингиздек, "Турон" жамоасининг режалари жуда ҳам катта. Бизга омад тиланг!

Ҳурматли ота-оналар! "Петербург болалари" СПб ҲЖТ 4 дан 18 ешгача бўлган болаларни рус тили ва маданияти бўйича бепул дарсларга таклиф қилади.

Дарслар шаҳарнинг турли районларида ҳафтасига 1-3 маротаба бўлиб ўтади.

8 921 093 88 19

рақамларига қўнғироқ қилиб, ёзилишингиз мумкин.

detipeterburga.ru vk.com/knowyourlanguage

ФГУП «Паспорт-виза хизмати»

Санкт-Петербургда қандай қилиб иш топса бўлади

Санкт-Петербургда ва Ленинград вилоятларида адолатли иш берувчилардан иш топишни ҳоҳлаган чет эл фуқаролари қуйидаги манзилда жойлашган ФГУП "Паспорт-виза хизмати" га мурожаат этишлари мумкин: Красный Текстильщик кўчаси, 15 уй.

Россия Федерал Миграцион хизматининг давлат муассасаси ходимлари сизларга "Меҳнат Биржаси" да рўйхатдан ўтишингизга, арзон нархларда турар жой топишга, миграцион ҳисобга туришингизга, ишга рухсатнома олишингизга ёрдам беради.

Агарда чет эл фуқароларидан саволлар ва муаммолар пайдо бўладиган бўлса, унда улар ФГУП "Паспорт-виза хизмати" нинг умумий қабулхонала-рига бемалол мурожаат этишлари мумкин.

Телефонлар: **318-01-18**

«Меҳнат Биржаси» ни хизматларидан қандай фойдаланса бўлади

Чет эл фуқаролари "Меҳнат Биржаси" нинг маълумотлар базасида қайд этилади ва 1 йил мобайнида хизмат кўрсатилиши тўғрисида шартномани имзолайди. Шартнома тузилаётганда чет эл фуқаросига Санкт-Петербург ва Ленинград вилоятлари бўйича арзон тарифдаги Сим-карта тақдим этилади.



қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Санкт-Петербург шаҳри, Красный Текстильщик кўчаси, 15 уй.

318-01-18 www.7771000.ru

Юнтолово экопаркида ҳайвонларни кузатиш учун майдонча ўрнатилади

Юнтолово экопарки умумий фойдаланиш учун яшил майдонлар рўйхатига киритилади. Тегишли қонун лойиҳасини Петербург ЗакСининг Қонунчилик бўйича қўмитаси қўллаб-қувватлаган, деб хабар беради "БалтИнфо".

Паркда ҳайвонларни кузатиш жойлари ва томоша қилиш майдончаларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Амалдорларнинг сўзларига кўра, паркда энг камида қуёнлар ва тўнғизлар яшайди. Бу ерда яна фаол дам олиш майдончаси, сайр қилиш зоналари ва ўриндиқлар, ботқоқлик жойда эса йўлакчалар ўрнатилади.

Эслатиб ўтамиз, бўлажак экопарк учун ўтган йили рамзий тошни Георгий Полтавченко қўйган эди. Аввалига бу ерда янги ҳайвонот боғи қурилиши режалаштирилган эди, кейинчалик эса бу режа бекор қилинди.

"ВКонтакте"нинг очиқ ҳаводаги фестивалида таълим мастер-класслари ва концертлар бўлади

18-19 июль кунлари Петербургнинг 300 йиллиги паркида "ВКонтакте" компаниясининг ўтказиши режалаштирилаётган фестивалнинг баъзи маълумотлари маълум бўлди.

Паркнинг ҳудуди фаолликка кўра бир нечта секторга бўлинган бўлади. "Фестиваль ВКонтакте" деб номланадиган тадбирда "Таълим", "Юмор", "Ўйинлар", "Санъат", "Медиа" ва бошқа мавзуга оид зоналар мавжуд бўлади. Болалар учун махсус зона жиҳозланади.

Байрам мобайнида паркда мусиқий чиқишлар учун иккита саҳна, спорт майдончаси жиҳозланади. Петербургликлар паркурчилар ва мотокаскадёрларнинг трюкларини томоша қилишлари, таълим бўйича мастер-классларда иштирок этишлари в атамадди қилишлари мумкин. Лайн-ап воқеалар ва бошқа батафсил маълумот хали эълон қилинмаган.

Тадбир гуруҳидан хабар берилишича, фестивальда миллионлик уюшмалар ва машҳур брендлар иштирок этади. Ундан ташқари, исталган одам дастурда иштирок этиш учун ариза қолдириши мумкин.

"Фестиваль ВКонтакте"нинг чипталари 1 март куни соат 18:00дан расмий саҳифада сотувга чиқади ва нарҳи 1000 рублдан бошланади.

Ижтимоий тармоқ жамоаси билан биргаликда фестивалнинг ташкилотчиси Sensation ва "Супердискотека 90-х"ни ўтказган "Радио Рекорд" радиостанциясидир.

Россиялик йирик ижтимоий тармоғи икки кунлик опен-эйр ўтказмоқчи эканлиги февралнинг бошида маълум бўлди.

Петербургда карантин сабабли 62 та синф ёпилган

Шаҳарда аҳолининг касаллиги эпидемиологик чегарадан 19,7 фоизга ортиб кетган. Роспотребнадзорнинг хабар беришича, касалликлар туфайли шаҳардаги 7 та мактабнинг 62 синфи, мактабгача тарбия муассасаларининг 3 та гуруҳи карантинга ёпилган.

Лаборатория мониторинги натижаларига кўра, касалланганларнинг орасида A(H3N2) ва B, парагрипп, аденовируслар айланиб юрибти.



Бош вазир ўринбосарига қирғиз тилидаги энциклопедиянинг тайёрланиши ҳақида маълумот берилди

10 февраль куни бош вазир ўринбосари Дамира Ниязалиева Қирғизистон Республикаси президенти қошидаги Тил бўйича миллий комиссияси жамоаси билан учрашди. Бу ҳақда ҳукумат аппаратининг маълумот билан таъминлаш бўлими хабар беради.

Ниязалиеванинг таъкидлашича, ҳукумат ва давлатнинг бошқа органлари қирғиз тилини ривожлантириш, ишлар олиб борилишини давлат тилига ўтказиш, уни ёшлар ўртасида машҳурлаштириш мақсадида Тил бўйича миллий комиссия билан ҳамкорликни кучайтириш зарур.

"Ҳозир давлат тилини қўллаш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Анча ишлар қилинди, лекин хали яна кўп нарсалар қилиниши керак. Буларни ҳисобга олган холда қирғиз тилини ривожлантириш ва машҳурлаштириш устида биргаликда ишлашимиз керак", - деди бош вазир ўринбосари.

Ўз навбатида Тил бўйича миллий комиссия ходимлари ҳам давлат тилини ривожлантириш бўйича ишлар ва яқин келажакдаги режалар ҳақида гапириб беришди.

"Ҳозирги вақтда тарих, иқтисод, фалсафа ва бошқа фанлар бўйича қирғиз тилида энциклопедия ишлаб чиқилмоқда, у электрон кўринишида ҳам бўлади. Ундан ташқари муассаса ходимлари томонидан 8 томли қирғиз энциклопедиясини чоп этиш бўйича, дарсликлар, қирғиз тилини турли категориядаги одамлар учун ўқитиш бўйича методик қўлланмалар ёзиш устида ишлар олиб борилмоқда", - деди комиссия раиси ўринбосари Алмаз Кулматов.

Қирғизистон МДҲда соғлиқни сақлашни яхшилашни таклиф қилди

МДҲ Ижроия қўмитасида "МДҲ иштирокчи давлатлари аҳолиси соғлиги" лойиҳаси стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича Ҳамдўстлик давлатлари экспертлар гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. МДҲ Ижроия қўмитасининг Гуманитар ҳамкорлик, умумсиёсий ва ижтимоий муаммолар департаменти директори Владимир Кику раислик қилган учрашувда Арманистон, Белорус, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россиядан мутахассислар ҳам иштирок этишди.

Ҳамдўстлик Ижроия қўмитаси ахборот-аналитика департаментида таъкидлашларича, ушбу ҳужжат ҳамкор-давлатлар учун соғлиқни сақлаш соҳасида уларнинг миллий стратегияси, сиёсати ва режалари бўйича қўшимча ёрдам кўрсатишга қаратилгандир. Унинг қабул қилиниши улардаги демографик ҳолат билан, аҳоли сонининг камайиши, шу жумладан ёш ва меҳнатга лаёқатлилар сони, юқори кўрсатгичга эга ўлим даражаси, паст туғилиш каби салбий ҳолатлар билан боғлиқдир.

Арманистон, Белорус, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Тожикистондан келиб тушган талаб ва таклифларни ҳисобга олган холда ушбу стратегиянинг лойиҳасини тасдиқлашди. Аҳоли соғлигини ҳимоя қилиш соҳасида 1992 йил 26 июнда қабул қилинган ҳамкорлик тўғрисидаги келишувга қўшимчалар ва ўзгартиришлар ҳам киритилди.

Президент тўрт эгизакнинг ота-онасига уч хонали квартира совға қилди

5 февраль куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Рахмон топшириғига биноан тўртта фарзандни дунёга келтирган Гулшан Маджнуновага уч хонали квартира ажратилди.

26 яшар Гулшан Маджнунованинг тўрт нафар эгизаги – битта ўғил бола ва учта қиз бола – Душанбедаги 3-сонли туғуриқхонада дунёга келган. Уч хонали квартира ажратилгани ҳақида ёш онани касалхонага кўриш учун ташриф буюрган мамлакат бош вазирининг ўринбосари, Тоижкистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Аёллар ва оила ишлари Қўмитаси раиси Мархабо Джаббори ва бошқалар хабар берди.

Ёш она ва унинг оила аъзолари Давлат раҳбари Эмомали Рахмоннинг совғаси учун миннатдорчилик билдиришди. Ёш онанинг отаси Ахлиддин Маджнунов ҳам мамлакат Президентининг ғамхўрлиги учун миннатдорчилик билдирди ва 2015 йилнинг "Оила йили" деб эълон қилинган кунда тўрт нафар эгизакнинг дунёга келишини яхши белги деб айтди.

Душанбедаги 3-сонли туғуриқхонанинг врачлари тўртта эгизакнинг дунёга келишини ноёб воқеа деди. Болаларнинг соғомон туғилишлари учун ёш она деярли икки ой давомида малакали врачлар назоратида бўлганлиги ҳам таъкидлаб ўтилди. Чақалоқларнинг умумий вазни улар туғилганда 7,9 килограммни ташкил этган.

Тожикистоннинг ёшлар терма жамоаси Амирликларга жўнаб кетади

"D" гуруҳидаги Тожикистон терма жамоаси (U-23) иштирок этадиган Осиё чемпионати – 2016 саралаш турнири Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтади. Бу ҳақда ТФФ хабар беради.

Осиё чемпионати – 2016нинг "D" гуруҳидаги саралаш турнири 27-31 март кунлари Фужейра (БАА) шаҳрида бўлиб ўтади. Тожикистон ёшлар терма жамоасининг рақиблари БАА, Шри-Ланка ва Яман терма жамоалари бўлади.

Саралаш босқичида Алишер Тўхтаев шогирдлари ўз чиқишларини 27 март куни Яман жамоасига қарши бошлашади. 29 март куни БААга қарши, 31 март куни эса Шри-Ланкага қарши майдонга тушишади.

Эслатиб ўтамиз, Осиё чемпионати – 2016 саралаш босқичида 43 та ёшлар термаси икки зонага бўлинган ҳолатда иштирок этади. Ғарбий зонада 23 та, шарқий зонада эса 20 та жамоа мавжуд.

Қуръа ташлаш вақтида ғарбий зонада 5 та жамоадан иборат 3 та гуруҳ ва 4 жамоадан иборат 2 та квартет ташкил этилган. Шарқий зонада эса иштирокчилар ҳар бирида 4 тадан жамоа бўлган бешта гуруҳга бўлинган. 2016 йил 12-30 январь кунлари бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатининг финал босқичида 10 та гуруҳ ғолиблари ва ўз гуруҳларида энг яхши кўрсатгич билан иккинчи ўринни эгаллаган 5 жамоа иштирок этади.

Осиё чемпионати – 2016 нинг финал қисми Қатарда бўлиб ўтади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ёшлар ўртасидаги 2016 йилги Осиё чемпионати 2016 йилда Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтадиган Олимпияда ўйинларида иштирок этиш учун саралаш ҳам ҳисобланади. Ёшлар қитъа биринчилиги совриндорлари Олимпиада-2016 да иштирок этиш учун йўлланмани ҳам қўлга киритишади.

Ўзбекистонда "Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси" чоп этилди

Бобур таваллуд топган кунни нишонлаш арафасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Фонди маҳаллий "Шарқ" компанияси томонидан чоп этилган "Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси" китоби билан бойиди, деб "Туркистон-пресс" хабар беради.

Китоб устида филология фанлари доктори, Фанлар академияси академиги Азиз Қаюмов бошчилигидаги бобуршунослар гуруҳи иш олиб борди. Нашр ишига ўзбекистонлик ва ҳорижий олимлар ҳам жалб этилди, унинг яратилиши Бобур номидаги Халқаро жамоат фонди томонидан қўллаб-қувватланди.

"Китоб маҳобатли нашр бўлиб, нафақат бобуршуносликка, балки Марказий Осиёдаги Темурийлар тарихини ўрганишга ҳам ўзининг ҳиссасини қўшади. У бутун дунёдаги шарқшунослар учун қўлланма бўлиши керак", - деб баҳо берди нашрга Японияниг Рюкоку университети профессори, бобуршунос Эйжи Мано

Китобда Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида ва унинг ҳаёти ҳамда фаолиятига боғлиқ бўлган сўзлар, иборалар, воқеалар, шахслар ва жой номларининг шарҳи берилган.

40 та иллюстрацияланган саҳифада Мовороуннаҳр, Қобул ва Ҳиндистоннинг "Бобурнома"да келтирилган харитаси, турли хил мамлакатларда Бобур меросини ўрганиш ва сақлаш бўйича схема-хариталари, "Темурийлар, Бобурийлар генеалогияси" схема-диаграммаси ҳам берилган.

Энциклопедияга Бобур асарларида фойдаланилган араб калималарининг ўзбек тилига таржимаси ва унинг шеърларининг Ўзбекистонда чоп этилганлари рўйхати киритилган. Китоб ўзбек ва араб тилларида глоссарийдан ҳам иборат.

Ўзбекистонлик рефери аёллар Олимпиаданинг саралаш ўйинларини бошқаришади

Футбол ҳакамлари Анна Сидорова ва Зилола Рахматова Олимпиада ўйинларининг биринчи саралаш раунди ўйинларини бошқаради.

Осиё футбол конфедерацияси 2016-йилги Олимпиада ўйинларида футбол бўйича аёллар ўртасидаги ўйинларда хизмат қилувчи ҳакамлар номини эълон қилди, деб хабар беради Ўзбекистон Футбол федерацияси матбуот хизмати.

Ҳакамлар бригадаси таркибига Ўзбекистон вакиллари – ФИФА рефериси Анна Сидорова ва чизиқ арбитри Зилола Рахматовалар кирган. Улар Олимпиаданинг биринчи саралаш раунди ўйинларига хизмат кўрсатади.

20-24 март кунлари бўлиб ўтадиган саралаш ўйинларида Хитой Тайбэйи, Эрон ва Лаос жамоалари иштирок этади.

Биринчи гуруҳ зиёратчилари умрага жўнаб кетди

Ўзбекистонлик биринчи гуруҳдаги 175 нафар зиёратчилар 9 февраль куни Саудия Арабистонига умрани амалга ошириш учун жўнаб кетди. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита матбуот хизмати хабар берди.

Баҳор мавсумида мусулмонларнинг муқаддас жойларига зиёрат қиладиган ўзбекистонликларнинг умумий сони 5350 кишидан иборатдир. Бунинг учун "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси томонидан 25 та чартер рейслари ташкил этилади.

Ўзбекистонлик зиёратчилар Саудия Арабистонида 10 кун – Мадинада 4 кун бўлиб, Муҳаммад Пайғамбар масжидини, унинг қабрини ва бошқа диққатга сазовор жойларни кўришади ва Маккада 6 кун бўлиб, асосий зиёратни амалга оширишади.

Психологик ёрдам

Муҳожир муҳитидаги психологик иқлим

Жамиятдаги психологик иқлим муҳожир учун қандай роль ўйнаши мумкин? Агар ҳозирги замондаги ишберувчилар ва муҳожирлар орасида сўров ўтказилса, уларнинг асосий қисми ўз ҳаётлари давомида муҳожирлар жамиятида психологик иқлим тушунчаси бор эканлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўришмагани маълум бўлади.

Бу одамлар жамиятдаги психологик иқлим уларнинг ўзларига ҳам таъсир қилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўришмаган. Психологик иқлим нима? Бу тушунчанинг аниқ маъноси мавжуд эмас. Оддий сўз билан айтганда, психологик иқлим – бироз узоқ вақт давомида муҳожир ёки муҳожирлар қуршовида бўлган жамият аъзоси ҳис қиладиган туйғу, эмоциядир.

Фото: intem.de

Жамоат аъзолари муҳожир билан биргаликда мамнунми, бир-бирларига нисбатан туйғулари қайноқми, балки совуқдир? Бир-бирларини қўллаб-қувватлайдиларми? Ҳимояланганми? Юқорида санаб ўтилганлар, яна бошқа белгилар эътибордан четда қолмасдан, муҳожирлик ҳаётининг бутун сирларини аён қилади.

Муҳожирнинг психологик иқлими нималарга таъсир қилади?

Аъзоларидан қатъий назар исталган жамиятда психологик иқлим муҳим роль ўйнайди. У муҳожирнинг жисмонан ва психологик соғлигига ва узоқ умр кўришига таъсир қилади. Ундан ташқари, психологик иқлим муҳожирнинг шахсий ривожланиши ва ўсиши учун ҳам зарурдир.

Психологик соғлиқ

Ижобий эмоционал фон албаттаки муҳожирнинг психологик соғлигига ҳам ёрдам беради. Бегона мамлакатга, бегона жамиятга тушиб қолган муҳожирга уни тушуниш муҳити лозим бўлади, бу эса депрессияга тушиб қолмасликка ёрдам беради.

Жисмоний соғлик

Психологик касалланиш – тана касалликларига олиб борувчи кенг тарқалган сабаблардан биридир. Гастрит, ошқозон ярасидан тортиб тери касалликларигача – буларнинг барчаси психологик асосга эга.

Шахс сифатида ўсиш ва ижтимоий муваффақият

Яхши эмоционал иқлимда, атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлашини ва тушунишини сезиш муҳожирларга ишлаш учун катта энергия беради.

Психоэмоциональ технологиялар

Соғломлаштириш танаффуслари одамга ҳаракат фаоллигини ошириш, яхши эмоционал шароитни яратишга ёрдам беради. Бунинг учун бир қатор қийин бўлмаган машқларни бажариш тавсия этилади.

Психогимнастика. Хурсандчилик, нафрат, ҳайрон қолиш, қўрқиш, жилмайиш, хомушлик каби алоҳида-алоҳида эмоционал ҳолатни кўрсатувчи мимикали машқларни бажаринг. Психогимнастикани ишда ҳам, бўш вақтда ҳам бажариш мумкин.

Релаксация. Релаксациянинг мақсади – ихтиёрий равишда одам ўзининг мускулларини бўшаштириши, эмоционал тинчланиш, олдиндаги ишга тайёрланиш ҳамда стресс ҳолатидан кейинги эмоционал кескинликни ечишдир. Мусиқа, айниқса табиат товушлари яхши натижалар беради. Яна одам ўзини назорат қилган холда ёқимли бирон нарса ҳақида ҳаёл ҳам суриш мумкин.

Кузатиш. Мавзуни танлаш одамнинг ўзига боғлиқ. Об-ҳаво, одамлар, табиат, одамларнинг кайфияти каби холатларни кузатиш мумкин. Унга лойиқ кайфият учун мусиқани ёқиш мумкин. Бу машқларни эрталаб бажарган маъқул.

Одамларни тушунишмайдиган, психологик тўлиқ муҳит муҳожирлар учун қулай эмас. Шу сабабли уларнинг ўзлари ҳаёт қувончларини қабул қилишни, турли хил ижобий эмоциялар манбаини топишни ўрганишлари (асосан номатериал) ва албатта бахтли бўлишлари лозим.

Шундай қилиб, бошқа жойда, бошқа коллективда ижобий психологик муҳитнинг шаклланиши кетма-кетлик ва аниқ мақсадга йўналтирилган бошқарув ва психологик фаолият орқали таъминланиши лозим.

Хайр-эҳсон қилувчи инсонларга мурожаатнома

Азиз дўстлар! Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирлари- турмушимизнинг бир қисмига айланиб улгурди. Аммо кўпчилигимиз уларнинг муаммоларига худди биз ва улар ендош оламларда яшайдигандек қарамоқдамиз. Бинобарин, биз- Россия ҳудудида яшовчи жамиятнинг бир қисми эканлигимизни унутмаслигимиз лозим. Магазинларда, транспортда, кўчаларда, кўп қаватли уйларда биз бошқа юрт, бошқа маданият вакиллари билан бирга кун кечирамиз. Улар биз каби тиббий ва ижтимоий таъминотдан фойдаланишяпти, биз каби Россия ички ялпи маҳсулотини шакллантиришда иштирок этишяпти.

Аммо, кўпгина муҳожирлар "ғайриинсоний" шароитларда кун кечирмоқда. Кўпинча улар фирибгарлар ва виждонсиз воситачилар қўлига тушиб қолмоқдалар, уларни иш берувчилар алдаяпти. Бунинг натижасида улар ўта мушкул моддий ва маънавий ҳолатга тушиб қоляптилар. Афсуски, фуқароларнинг ушбу тоифасига беминнат ердам берувчи ва хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар бизнинг ҳудудимизда жуда кам.

2012 йилнинг август ойидан бошлаб Санкт-Петербург шаҳри ва Ленинград областида "Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди" нотижорат ташкилоти фаолият юритиб келмоқда. Фонднинг асосий вазифаси- Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирлари ва бошқа ижтимоий ҳимояланмаган шахсларга беғараз ёрдам, хусусан, ҳуқуқий ва моддий кўмак беришдан иборатдир. Фонднинг яна муҳим вазифаларидан бири- бу Россия Федерациясининг давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органларида, иш берувчилар олдида, суд ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларида, давлат муассасаларида муҳожирлар номидан вакиллик қилиш ва уларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя этишдир.

Фондга кўпинча Россия Федерацияси ҳудудида вафот этган муҳожирларнинг қариндошлари мурожаат этишади. Майитни ватанига юбориш учун 50 000 рубл атрофида маблағ керак бўлади. Кўпинча на қариндошларда ва на яқинларида бунча пулни йиғишнинг имкони бўлмайди. Баъзан қариндошларнинг ўзи бўлмайди. Бундай ҳолатларда майитни ватанига жўнатиш учун бизнинг кўнгилли ходимларимиз жума кунлари масжидларга ва қурилишларга бориб, бефарқ бўлмаган инсонлардан керакли бўлган маблағни йиққан вазиятлар кўп бўлади.

Биз Фондимизга молиявий ва ахборот кўмагини аямаетган мурувватли инсонларга: хусусий шахслар ва ташкилотларга ўз миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз. Ҳар бир хайрия эҳсони, ҳоҳ у 100 рубл бўлсин, ҳоҳ у бир миллион рубл бўлсин, катта савоб ишдир. Биз учун исталган кўринишдаги кўмак муҳимдир, чунки биз муҳтожларга бу маблағларни қандай сарфлашни биламиз.

Биз сизларни "Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди "да кўришдан, сизларга муҳожирларнинг ҳимоясиз қатламларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳақида сўзлаб беришдан мамнун бўламиз.

"Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди" хайрия ташкилоти қуйидаги манзилда фаолият юритади: ул. Бабушкина, д. 52 («Ломоносовская» метро бекати).

Тел.: 8 (812) 309-73-06.

Азиз дўстлар! Ушбу йилдан бошлаб бизлар муҳожирларнинг турмуш сифатини оширишга қаратилган янги рукн очмоқдамиз. Мазкур рукн

"ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ"

деб номланади.

Унда сизни ўйлантираётган муаммоларга малакали руҳшунос жавоб беради. Ватандан олисда қандай қилиб тушкунликка тушмаслик лозим? Масофадан туриб оилани сақлаб қолиш мумкинми? Бошқа тилда сўзлашувчи инсонлар билан мулоқот чоғида психологик тўсиқни қандай енгиб ўтиш керак? Янги жамиятда болани қандай мослашувга ўргатиш мумкин? Шу каби долзарб мавзуларни газетамиз саҳифаларида муҳокама қилишга тайёрмиз.

Ўз саволларингизни хоҳишингизга кўра ошкор ёки яширин равишда электрон манзилимизга йўллашингиз мумкин:

"Турон" газетаси turangazeta@yandex.ru.

Сизларнинг муаммоларингизга бизлар бефарқ эмасмиз, сизга ёрдам беришдан мамнун бўламиз!

«ШАҲАР ЖАМҒАРМА МАРКАЗИ» КРЕДИТ ИСТЕЪМОЛ КООПЕРАТИВИ

Ўрта Осиелик шахсларга ишлаб топган маблағларини Ватанга юборишдан олдин қандай сақлаш ва кўпайтириш мумкинлигини ўргатади. Маблағлар 18 % га ошиши мумкин.

Ҳурматли муштарий!

Сиз Санкт-Петербург шаҳрига ўз оилангиз учун пул ишлаб топиш мақсадида келасиз. Бунинг учун сиз кеча-ю – кундуз машаққатли меҳнат қиласиз, баъзида адолатсизликдан аламингиз келади, айниқса, ваъда қилинган иш ҳақи тўланмаганида. Бироқ, сиз бу қийинчиликларни барчасини енгиб ўтишга тайер бўласиз, чунки ватанда яқинларингиз молиявий ёрдамга кўз тикиб ўтиришибди. Сиз – уларнинг ягона умиди ва таянчисиз!

Баъзида ўзингизни ҳалол меҳнат билан топган иш ҳақингизни олганингизда, дарҳол уйга юборишга шошиласиз. Чунки сизда пулларингизни сақлаш учун ишончли жойни ўзи йўқда. Уларни ноинсоф одамлар ўғирлаб кетиши мумкин. Ўзингиз билан олиб юрсангиз, йўқотиб қўйиш хавфи мавжуд. Унда нима қилиш керак?

Биз бу муаммони ечимини топдик. **Айнан сиз учун «Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи фаолият юритмоқда.** Кооперативга қўшилинг, ҳоҳлаган қийматдаги пулингизни қўйиб (500 рублдан ортиқ), уйга юборишдан олдин кўпайтириб олинг. Қайси давлатни фуқароси эканлигингизни қизиғи йўқ. Энг муҳими, бу ерда сизга ёрдам бераётганларидан жуда мамнунлар.

Бизда фойдали фоизлар-18% йилига. Бу дегани, кооперативга қўйган пулингизга, уни миқдорига нисбатан ҳар ойда 1,5% қўшилиб бораверади. Бу жуда даромадлидир. Агарда сиз Россияга, бир йил ва ундан камроқ муддатга келган бўлсангиз, унда сиз Даромад дастури доирасида уч ой ва ундан кўпроқ муддатга шартнома тузсангиз бўлади. Уч ой муддатда омонатингизга 4,5% қўшимча даромад қўшилади. Олти ойда – 9%, тўққиз ойда-13,5% қўйган омонатингиз устига қўшилаверади. Муддат қанча кўп бўлса-даромад ҳам шунча кўп бўлади.

«Шаҳар жамғарма маркази» кооперативи аъзосига айланинг. Биз эса, пулларингизни Ватанга юборишдан аввал, кўпайтиришга ёрдам берамиз: сизнинг ҳар 100 рубл пулингизга ойига 1,5 рубл қўшиб борамиз. Кўпроқ пул тўпланганидан сўнг, ҳоҳлаган қийматдаги пулни ечиб олиб, ватанга қадрдонларингизга юборишингиз мумкин. Агарда бу пул камлик қиладиган бўлса, кооператив сизга қарз ҳам бериши мумкин. Ҳа айтганча, агарда сиз шаҳарда бўлмасангиз ёки жуда банд бўлсангиз, қариндошингиз сизнинг ўрнингизга келиши мумкин. Фақат унга ишончнома езиб беришни эсдан чиқарманг!

Демак, энг муҳим савол: Ишлаб топган маблағни «Шаҳар жамғарма маркази» КИК да қандай сақлаш мумкин?

Барчаси оддий. Ташкилотимиз офисига ўз паспортингиз билан ташриф буюринг, кооператив аъзолигига қўшилинг ва 500 рублдан ортиқ ҳоҳлаган қийматдаги пулни қўйинг ва кўпайтириб олинг. Уйга кетишдан олдин барчасини ечиб олишингиз мумкин ёки жўнатиб юборишингиз.

Фоиз тўловлари-18% йилига!

Маълумот учун телефон: (812) 309-56-63

Ёхуд қуйидаги манзилга келинг: Санкт-Петербург ш., Василеостровский 10-линия, 15-б уй. «Василеостровская» метро бекати. Иш вақти: соат 9:00 дан 18:00 гача (душанба-жума).

«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи.

Биз сизларни кутиб қоламиз, азиз муштарийлар!

ГОРОДСКОЙ ЦЕНТР СБЕРЕЖЕНИЙ

Россияда легализация: босқичма-босқич йўриқнома

Меҳнат муҳожирининг легализациядан ўтиш тартиби барчага аёндай кўринади. Аммо, бизнинг ватандошларимиз аввалгига ўхшаб патентни расмийлаштириш бўйича ўртакашлик хизматларини кўрсатувчи қаллобларнинг қурбонига айланмоқда ёки қонунчиликнинг икир-чикирларини охиригача англамасдан туриб пуллари, вақти ва ишга жойлашиш имкониятларини хатарга қўйиб, ачинарли ҳолатларга олиб келадиган хатоликларга йўл қўяди.

Фото: gorobzor.ru

Миграция қонунчилигидаги ўзгаришлар сабабли биз яна бир бора Россия Федерацияси ҳудудига 2015 йилда виза талаб қилинмайдиган давлатлардан келган муҳожирлар учун хатосиз легализация қилишга ёрдам берадиган маълумотни чоп этмоқдамиз.

Чегарани кесиб ўтишда ҳар бир чет эл фуқароси миграция картасини олади. “Цель визита” (“Ташриф мақсади”) деган қаторда “Работа” (“Ишлаш”) деб ёзилган сўзнинг остига чизиш лозим. Агар сиз бошқа мақсадни, масалан, “Частная” (“Хусусий”) деган сўзни белгиласангиз, патент олиш учун ариза бераолмайсиз.

Россияга келганингиздан кейин сиз 7 иш куни мобайнида (дам олиш кунлари ҳисобланмайди), яшаш жойи бўйича уч ойлик рўйхатдан ўтиш лозим. Почта ёки ФМХБнинг исталган районлари бўлинмаларида рўйхатдан ўтиш мумкин. Эслатиб ўтамиз, янги қоидаларга биноан сиз қаерда рўйхатдан ўтган бўлсангиз, ўша ерда яшашингиз лозим. Акси холда, Россия фуқароси ҳам, сиз ҳам бунинг учун жавобгарликка тортиласиз. Янги қонун бўйича қалбаки рўйхат учун жарима 500 000 минг рублгача бориши мумкин.

Россияга келганингиздан кейин 30 кун ичида сиз ягона намунадаги патент олиш учун ҳужжатларни топширишингиз зарур. Бунинг учун сиз рус тили, тарих ва Россия давлатчилиги асосларидан имтиҳон топширишингиз ҳамда тиббий кўрикдан ҳам ўтишингиз шарт.

Агар сиз имтиҳонни топшириб, тиббий кўрикдан ҳам ўтган бўлсангиз (яъни оғир ва хавфли касалликлар аниқланмаган бўлса), унда керакли ҳужжатлар пакети билан патент олишга ариза топшириш учун ФМХ Бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Тиббий маълумотнома ва имтиҳон топширганлик ҳақидаги маълумотномадан ташқари:

- Ҳужжатларни топширган кунгача чегарадан кирганига 30 кундан ошиб кетмаган миграция картаси;

- Уч ойлик рўйхатга қўйилганлик ҳақида маълумотнома;

- Суғурта (одатда келган куни аэропортда расмийлаштирилади);

- Давлат пошлинасини тўлаганлик чеклари;

- Патент берилиши сўраб ёзилган ариза.

Эндиликда Россия ФМХ Бошқармаси 10 иш кунигача бўлган муддат ичида сизга патент бериши ёки унинг берилиши рад этилганининг сабабини тушунтириши шарт. Рад этилган ҳолатда Миграция хизматининг қарори устидан арз қилишга ва легализацияга улгуришингиз учун сизда 50 кун вақт қолади.

Патентда сиз меҳнат фаолиятингизни оширишни режалаштирган ҳудуд кўрсатилган бўлади. Ундан ташқарида патент амал қилмайди.

Патент уч ой муддатга берилади, аммо чет эллик ишчи кейинги ой учун аванс тўлови тўлса, патентнинг амал қилиш муддати автоматик равишда узайтирилади.

Сиз ҳар ой маълум бир кунда (патент берилган кунда) 3000 рубль миқдорида тўлов тўлашингиз лозим (бу Санкт-Петербург ва Ленобласть бўйича нарх). Патентнинг узайтирилиши учун тўловларни Сбербанкнинг бўлинмаларида амалга оширишингиз мумкин.

Агар чет эллик ишчи аванс тўловини кўрсатилган муддатдан кейин амалга оширса, патент бекор қилинади.

Патент амал қилаётган вақтда Россия чегараларидан чиқиш мумкинми? Мумкин, лекин аввалига аванс тўловини бир ой олдинга тўлаб қўйган маъқул.

Биродар

Тақдирни койима бошингни эгиб,
Афсусни армонга қилма баробар,
Соғинч яшамасин ёшингни эзиб...
Мусофир бўлдим деб куйма Биродар!

Эр йигит ризқини терар ҳар ердан,
Тутган ўлжасини олади юлиб,
Қатордан адашма, қолмагин элдан...
Биродар ўксинма, яшайвер кулиб!

Муштипар Онангга раво кўр роҳат,
Ёрингни соғинчи кафтингда сурат,
Дилбандинг йўлингда термоқда тоқат...
Биродар Ватанни унутма фақат!

Мусофир бўлдим деб куйма Биродар,
Мусофир бўлган ҳам Аллоҳ бандаси,
Тақдирни қисматга қилма баробар....
Бу дунё синовли, шудир зарбаси!

Олисда дилгинанг соғинч қамраган,
Интизор кўзларинг ёшлар намлаган,
Ниятинг «рўзғорим буд бўлсин» дея...
Белинг сабрдан белбоғ боғлаган!

Бошинг эгилмасин, қаддинг синмасин,
Босган қадаминг мардона бўлсин,
Сенинг қаршингда тазимдаман мен...
Биродар сабрингни Тангрим қўлласин!

Гар билсанг юртига соғинчдан толиб...
Ҳаттоки Бобур ҳам мусофир ўтган...
Андижон тупроғин бир сиқим олиб...
Ҳар куни минг бора кўзига суртган!

Гул Баҳор

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди
Санкт-Петербургда катта қийинчиликларга дуч келдингизми?
Фондда Ўрта Осиёлик малакали ҳуқуқшунослар фаолият юритмоқда.
Рус тилида сўзлашмасангиз ҳам сизларни тушунамиз!
Ташриф буюринг! Биз сизларга қуйидаги масалаларни ечишда бепул ёрдам кўрсатамиз:
- Россияда қонуний яшаш учун барча ҳужжатларни расмийлаштиришда маслаҳатий кўмак
- қонуний ишга жойлашишда
- меҳнат ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса
- ҳуқуқ тартибот идораларида сизни ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда
- ҳужжатларни йўқотсангиз ёки олдириб қўйсангиз
- қарз маблағи олишда юридик маслаҳат
Шунингдек, сизларнинг хизматингизга:
- Рус тили машғулотлари
- Маданий ҳордиқ ва ҳайрия тадбирлари
- илмий семинарлар ва анжуманлар
ФОНД ПОМОЩИ трудовым мигрантам из Средней Азии
Биз сизларни манфаатингизни кўзлаб, қонунга мувофиқ фаолият юритамиз!
Қуйидаги манзил бўйича кутамиз: «Ломоносовская» метро бекати, Бабушкина кўчаси, 52-уй литер А, офис 27Н (Арка ёнидаги эшик, Прямой проспект орқали)
Телефон: 8 (812) 309-73-06 Иш вақти: 10.00-18.00 (ДШ-ЖМ)

Азиз дўстлар! Сизларни
“ЎРТА ОСИЁЛИК МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ФОНДИ”
иштирокчисига айланишга таклиф этамиз.
Фонд қатнашчисига айланиб сиз бутун меҳнат фаолиятингиз давомида иш жойингизда мунозарали вазиятлар юзага келганда, ҳуқуқларингиз поймол этилганда ва кутилмаган вазиятларда бепул ҳуқуқий ва юридик ёрдам олишингиз мумкин. Фонд ҳамиша ўзининг қонунга бўйсунувчи қатнашчиларини ғаразгўй шахслар ва ташкилотлар олдида ҳимоя қилади.
Батафсил маълумотларни Фонд ходимларидан қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: (812) 309-73-06
ёки қуйидаги манзилга ташриф буюришингиз мумкин: Бабушкина кўчаси 52, лит. А, пом. 27Н 10.00 дан 18.00 га қадар иш кунлари.

За точность информации в рекламных объявлениях ответственность несет рекламодатель. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас

«Туран» первая практическая газета для выходцев из Средней Азии
Учредитель: Некоммерческая организация «Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии»
Главный редактор: Маматмуминов М. У.
Выпускающий редактор: Мария Максимычева
Журналисты: Марина Мельник, Анна Демидова, Ксения Сомова, Антон Грушин, Анна Чмерина
Дизайнер-верстальщик: Елена Завгородняя
Переводчик с русского на узбекский: Мансурбек Мирзавалиев
Переводчик с русского на таджикский: Якуб Халимов
Адрес редакции и издателя: 192012, пр. Обуховской обороны, 116, БЦ «Нева». 3 эт., офис 12, Издательский дом «Сорока». Ст. м. «Пролетарская».
Телефон: (812) 309-46-06, 309-73-06. E-mail: turangazeta@yandex.ru
Тираж газеты: 15 000 экземпляров
Отпечатано в типографии ОАО «Первая Образцовая типография, филиал «Санкт-Петербургский газетный комплекс» 198216, Ленинский пр. 139.
Заказ №1571. Газета зарегистрирована в Федеральной службе по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций, ПИ № ФС 77-57390.
Газета распространяется бесплатно.
Дата выхода в свет: по графику – 12.02.2015, фактическое – 12.02.2015
Время подписания в печать по графику – 18.00, фактическое – 18.00

«Турон» Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий газета
Муассис: «Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди» нотижорат ташкилоти
Бош муҳаррир: Маматмўминов М. У.
Чоп этувчи муҳаррир: Мария Максимычева
Дизайнер-ҳарф терувчи: Елена Завгородняя
Рус тилидан ўзбек тилига таржимон: Мансурбек Мирзавалиев
Рус тилидан тожик тилига таржимон: Якуб Халимов
Таҳририят манзили: 192012, пр. Обуховской обороны, 116, «Нева» савдо маркази, 3 қават, офис 12, «Сорока» нашриет уйи, «Пролетарская» метро бекати.
Телефон: (812) 309-46-06, 309-73-06
Газета тиражи: 15 000 нусҳада.
ОАЖ «Первая Образцовая типография, «Санкт-Петербургский газетный комплекс» типографияси филиалида босилди. 198216, Ленинский пр. 139. Буюртма №1571. Газета Алоқа, ахборот технологиялари ва оммавий коммуникациялар назорати Федерал хизматида рўйхатдан ўтган, ПИ № ФС 77-57390. Газета бепул тарқатилади.
Нашрга топшириш вақти: жадвал бўйича – 12.02.2015 соат 18.00, ҳақиқий вақти – 12.02.2015 соат 18.00